



АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 3 июль, № 26 (169) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда



АБАДИЙ ДУСТЛИК ШОДИЁНАСИ

ТОШКЕНТ. 30 июнь кuni «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари иштирок этди. Тантанали кечани Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов очди. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

БАЙРАМЛАРИ ХЎП ЯРАШГАН ЮРТ БУ

Жамолддин ТОШМАТОВ,
Тожикистонда ўзбек тилида чиқадиган «Халқ овози» республика газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди, Лоҳутий номиди Давлат мукофоти соҳиби:

— Биз юртингиздаги ўзгаришлар ва олиб борилаётган хайрли ишлардан радио, телевидение ва газеталар орқали хабардор бўлиб тураемиз. Лекин бугун, Ўзбекистонда Тожикистон маданияти ҳафталиги кунларида бу ерда булар эканмиз, эшитганларимиз ҳақиқат эканлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, Шарқ машъали Тошкентдаги аҳолиб ўзгаришлар мени мафтун этди, меҳнаткаш қардошларимга тасаннолар ўқидим.

Юртингизнинг одил раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсат мевасини биз мамлакатингиз мисолида яққол кўрдик. Мен ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги мавзусида ёзилган кўп-лаб китоб ва мақолаларнинг муаллифи сифатида бу абадий дўстлигимиз билан бир умр фахрланаман ва илҳомланаман. Шоир айтганидек:

Худо, меҳрингга ёр этгил Тожикистон Ўзбекистонни,
Азизлардан азиз деб бил Тожикистон Ўзбекистонни.
Этиб кунларни хушқидий, ато қил баъзи жамшидий,
Қўшиғу куйга тўлдиргил, Тожикистон Ўзбекистонни.

Жўрабек МУРОДОВ,
Тожикистон халқ артисти:
— Ўзбекистонга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарайман. Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида ўзбек халқи эришган ютуқлар мени доимо тўқинлантиради. Бу ерда ҳаётнинг кўпгина соҳаси деярли бир текис ривожланмоқда. Ўзбекистон автомобили, нефти деган гаплар бугун бор ҳақиқатга айланган. Бу шубҳасиз, эртаси ёруғ элнинг бугунги қамолатидан далолатдир.

Халқларимизда яхши ниёт, ярим давлат деган гап бор. Зеро, бу келажак буюк давлат — Ўзбекистон учун ҳам бағоят аҳамият-лидир. Ерқин келажакни уйлаб яхши ниёт йилида қилинаётган ҳар бир иш бу қадим юртга бутун бир давлатни бағишламоқда. Улкан изланишлар ўз самарасини берапти. Бундай жойда ҳар қанча қўшиқ айтиб, санъатининг намойиш этсанг, барибир оз. Ахир Ўзбекистон — байрамлари хўп ярашадиган улка. Унинг саодатини мадҳ этиб, қўйламоқнинг ўзи ҳам саодатдир.

САМАРҚАНД. Ўзбекистонда утаётган Тожикистон кунлари қатнашчиларининг Самарқандда таширифи ҳам ҳаяжонли учрашувлару дилочар сўбатларга бой бўлди.

Тожикистонлик санъат ва маданият номояндларини Самарқанд тайёрағида вилоят ҳокими Алишер Мардиев кутиб олди.

Меҳмонлар дастлаб этти иқлим ҳукмидори бўлган Амир Темур ҳайкалини зиёрат қилиб, Соҳибқирон хотирасига ҳурмат бажо айлади. Сунгра улар дўстлигимиз, қардошлигимиз рамзи сифатида қад ростлаган шарқнинг икки буюк мутафаккири — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Бу йил таваллудининг 1225 йиллиги дунё меккисида кенг нишонланганда улуғ юртимизда, ҳадис илмининг сўлтони имом ал-Бухорий юбилейига тайёргарлик борасидаги кенг кўламли ишлар, хусусан Челақ туманидаги зиёратгоҳни таъмирлаш борасидаги улкан саъй-ҳаракатлар меҳмонларда чўқур таассурот қолдирди.

«Афросиё» меҳмонхонасида тожикистонлик санъат ва маданият намояндалари шарафига вилоят ҳокимлиги томонидан қабул маросими уюштирилди. Унда икки жондош, қондош халқ ўртасидаги азалий дўстлигини янада мустаҳкамлаш истиқболлари ҳақида фикр юритилди. Шаҳарнинг энг қўрқам масканларидан бири — шоирлар ҳиббониди тожикистонлик ва самарқандлик санъат усталари иштирокидаги катта концерт учрашувга узгача руҳ, мазмун бағишлади.

Тожикистонлик санъат ва маданият вакиллари вилоятдаги Тойлоқ, Иштихон, Самарқанд туманларига, Каттақўрғон шаҳрига таширифи ҳам зўр хурсандчилик билан кутиб олинмоқда.

Зохир ТУРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

БУХОРО. Республикамиз пойтахтида бошланган қардош Тожикистон Республикаси кунлари Бухоро вилоятида ҳам давом этмоқда. Дўстона ташириф қатнашчиларидан 40 кишилик делегация Бухорога ташириф буюришди. Улар орасида Тожикистоннинг машҳур маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилари бор.

Шу кунги меҳмонлар Бухоронинг тарихий ёдгорликлари — дунёга машҳур Моҳи Хосса, Арқ, Исмоил Сомониий, Лаби Ҳовуз ва бошқа мажмуалари билан танишдилар. Таширифининг иккинчи кунги вилоятнинг Ромитан, Пешку, Ёғдўвон ва Вобкент туманларида маҳаллий меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказишди. Шу билан бирга улар «Бухоро» тўқимачилик комбинати ва Қоровулбозордаги нефтини қайта ишлаш заводиди ҳам бўлдилар ва бу ердаги кескин ўзгаришлардан бениҳоя тўқинланишди.

Ўзбекистонда бўлиб утаётган Тожикистон Республикаси кунларининг қатнашчилари вилоят марказидаги Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида узларининг дилбар қўшиқ ва ҳозирлаб рақсларини намойиш этишиб, санъат ихлосмандларини мафтун этдилар.

Гулнора САМИЕВА,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИБ...

«Сирдарёмаълумотсавдо» вилоят ҳиссасдорлик компанияси аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш борасида «Ўзбекбирлашув» тизимидаги энг яхши кўрсаткичларга эришган таъминотлардан бири ҳисобланади. Бу ерда қишлоқ аҳолисида савдо маҳсулотлари етказиб бериш ва янги иш ўринлари ташкил этишда, яна бир неча йилдирки, мактовга лойиқ ишлар амалга оширилаётди.



Компания савдо хизмати кўрсатиш тармоғини кун сайин кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу борада ҳиссасдорлар махсус дастур асосида иш юритяптилар. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида ҳиссасдорлик компанияси жамоаси вилоят аҳолисида 538,5 миллион сўмлик озиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсатди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бара-вар кўп демакдир. Сайхунбод туманидаги «Сайхунбод»-нон ишлаб чиқариш корхонасида бир ойда 2 миллион сўм-лик маҳсулот тайёрланади.

СУРАТДА: қандолатчи Шариға Узоқова, корхона раиси Очил Эшонқулов ва қандолат цехи мудири Холбута Юсупов маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқдалар.

Б. ТУРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Хотира — қалбдаги ҳайкалди

ҲАР БИР ЖАНГЧИНИНГ ИСМИ БОР...

Юртимиз раҳбари Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган биринчи кундан бери ҳақдорлардан бири деб қилинган. Бу ҳақда Президентимиз билдирган фикрлар ҳам айнан мана шу гапхўрликнинг ёрқин мисолидир. Биз неча-неча йиллардан бери «номалум жангчи» деган ибора билан қўлини қўйган ҳар бир инсоннинг исми-шарифи бор. Президентимиз ҳайри бир ташаббус билан чиқди. Яъни, Ўзбекистондан кетиб, Европа жанггоҳларида қўрбон бўлган жангчиларнинг исми-шарифи биланган 33 жиддий китобнинг нашр эти-лишини беҳиз зиммасига олди. Бир нарсига аҳамият бери-ни: МДҲ давлатларининг биронтасида ҳам бундай китоб топ-тилгани йўқ.

Яна бир нарсга ҳақиқат айтиб ўтмоқ жоиз. Баъзи бир кимса-лар 9 майда таъбирарқ байрамдан ўз сиёсий ўйинлари йўлида фойдаланишга бўлганлар. Бу ҳомаёлдир. Шахидлар хоти-раси олдида бундай ишларга қўл уриш шаксиз ҳақдор бўл-мас. Шунинг назардан асло қўйишмайди. Зеро, шахидларни эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш биз, тирикларнинг инсоний бурчимиздир.

Николай ТИМОФЕЕВ,
уруш ва меҳнат фавриисы,
Тошкент шаҳри.

ЮРТБОШИ ЎГИТАЛДИ

- Жойлардаги мутасадди раҳбарлар ҳам мен одамлар учун, халқим учун нима иш қилдим, қандай бино қурдим, қайси йўл билан одамларнинг оғирини енгиллатдим, дея ўзига савол бериши керак.
- Зеро, кимданки эл рози бўлса, яратган ҳам рози бўлади.
- Ҳар бир етакчи ўз жамоаси, ту-мани учун муайян маънода қарвон-бошидир. Қарвонбошининг эса ҳало-вати бўлмайди. У одамлар ташвиши билан яшаши керак.

Абдулла ТУРДИЕВ

ҒУРУР

«Ойнаи жаҳон»да Президент Ислоҳ Каримовнинг таълиқи тарихчи олимлар, ижодкорлар ва шоирлар билан амалий суҳ-бат намойиш этилди. Ушбу кўрсатувнинг миллий тараққиётинида нечоғли аҳамият қасб этишига шоирларимиз ҳам ўз муноса-батини билдирди:

Миллатимиз миллат бўлғай тоғланса ғурур,
Бургут мисол парвозларга чоғланса ғурур.

Ори йўқлар гоҳо уни айлайди поймол —
Чорасиздир — оғзи-бурни ёлганса... ғурур.

Ё раб, баъзи миллатдошим қўй каби ювош —
Наҳот, эчки томонидан «шоҳ»ланса ғурур?!

Зорланамиз: «Усаяпти ёшлар беҳа...»
Ки, соқовдир... магар тили боғланса... ғурур.

Ўзбеклигин қайда қолди, азиз ватандош,
Ўз элида юрак-барги доғланса... ғурур?!

Азал-азал бу туйғунинг Ватани буюк,
Навоийнинг Шоҳ байтидек шоҳланса ғурур.

Оҳ, армонини экиб кетди не-не-не буюклар:
«Отилса-да... Жулқунбойдай оқланса ғурур!..»

Қабри узра томир отгай — Иброҳим Мўмин,
Тарихимиз саҳнасида ёқланса ғурур.

Ҳар юракнинг қат-қатига шан ёғду ингай —
Ой келиннинг рус-қориди моҳланса ғурур.

Менинг митти юрагимга тор келгай дунё —
Гоҳо бўлб суратиди зогланса ғурур.

Умид билан яшайсан — Абдулло, бугун —
«Ориятдан урғу олиб соғланса... ғурур!..»

2 июль, 1998 йил. Тошкент.



Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнатчиларининг бу йилги экин-тўқимдан қўнғиллари шод.
732 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан уруқлик пахта етиштириш пайи-да изланмаётган меҳнаткашлар та-бият ишчилари қарамасдан астойдил меҳнат қилишмоқда.
СУРАТДА: «Ўзбекистон» жа-моа хўжалиги бошқарув раиси Аб-дуллажон Жўраев ижарачи Эрга-шали Қосимов билан бу йилги ҳо-салдорлик самараларини ҳақида сўбатлашмоқда.
Турғунбек МАХКАМОВ олган сурат.

БУХОРО: МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Бухоро вилояти деҳқонлари давлатга галла топшириш режа-сини бажардилар. 60 минг гектар галлазорнинг ҳар гектаридан уртача 30 центнердан ҳосил етиштирилди. Давлат хирмонлари-га 114 минг 500 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди.

Эришилган меҳнат зафарига Қоровулбозор, Пешку, Жондор, Шофиркон туманлари галлакорлари салмоқли ҳисса қўйишди. Пешку туманидаги Ибн Сино номи, Шофиркон туманидаги «Бухоро», Шароф Рашидов номи, Бухоро туманидаги «Маданият», Вобкент туманидаги Ал-Бухорий номи жамоа хўжалик-лари ҳар гектар ердан 41-46 центнердан ҳосил олдилар.

Вобектлик Сайфулла Жумаев, Муртазо Қуловон, пешкулик Эркин Носиров, Раҳмат Примов, шофирконлик Олим Ашуров сингари оилавий пудратчилар 55-69 центнердан дон етишти-ришга эришдилар.

Вилоятда галла урим-йигими ушшоқлик билан давом эт-моқда. Галлакорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, дав-латга яна 10 минг тонна дон топширишга қарор қилдилар.

Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

Собиқ Иттифок даврида ҳар беш йилликда республика Олий Кенгаши депутатлигига номзодлар қўзғорин-дай қўй эди. Уларнинг сайланиб ол-гунига қадар ваъдаларини эшитиб тез кунда ҳамма нарсга ўнгиланиб кетгудай туюларди. Уша даврда Олий Кенгаш депутатлигига сайланганлар, «қишлоқ-ларининг тоза ичимлик суви билан мен таъминлайман», деб кўкрагига урар-ди-ю, сайланиб бўлинган «писиб» ке-тарди. Бу эстафетани улар бир-бир-ларига узатишар, ўртада сайловчи доғдирар қоларди...

Сариосиё туманидаги Шоҳқишлоқ аҳли ҳам азал-азалдан дарё сувида истеъмол қи-лади. Лекин илгариларининг йўли бошқа эди. Одамлар дарё сувини тоза асрашарди. Эн-ди-чи, бутунлай акси. Дарё суви қурса бор-ми, одамнинг мурдасидан бошқа ҳамма на-рса бор. Қасаликларни қўлайишим мана шундан-да! Баҳор селининг тошинида дарё лойқаланса унинг таркибида нималар бор-лигини эслаб қуринг-а! Шуларни уйлаб қи-шлоқ одамлари жонига «балли» дея «Улмаган жоним мани», — дегин келади. Туман сан-итария-эпидемиология назоратчилириям бу ҳолни қўриб тескари ўғирлибди утишарди. Ваҳоланки, қишлоқнинг юқорисиди 2 та йи-рик суви тозалаш хавзаси бўлиб, 12 киломе-тр масофани босиб ўтган темир қувурлар орқали жимиб оқатган тоза сув яна шу қи-шлоқни оралаб Суфийн ширкатлар уюшмаси

БАҲОНАГА ЭРК БЕРИЛСА...

Қишлоқнинг 450 хонадониди радиоточкалар бор эди. Ёқимли радио овозлари, респу-блика меҳнат аҳли тўғрисидаги радио очерклар, турли эшиттиришлар 24 соат таралиб тура-ди. Узоққа бормайлик, мана ёнгинамизда Дашнобод, Барлоқ қишлоқлари бор, тонг са-ҳарлаб ёқимли мусиқа, қўшиқлар оҳангидан яйраб уйғонасан, киши. Дилинг бошқача та-роватда. Бизда эса бутунлай бошқача бир манзара.

Сариосиё тумани Суфийн ширкатлар уюш-масига қарашли «Шоҳқишлоқ» маҳалла фу-қаролари йигини раиси Темир ака Бековни-нг ҳасратидан чанг чиқди:

— Республикамизнинг қатор қишлоқлари-даги ўзгаришларни қурсангиз дилингиз яй-раб кетади. Биздаги кўримсизгина, номига-гина бозорча, деб аталган жойни ҳисобга олмасангиз шарқона дуқонларни учрат-майсиз. Унга бош-қош бўладиган ташкилот-чиси тополмайсиз.

— Бу муаммолар юзасидан Сиз нима дейсиз? — дея мурожаат қилдик мута-садди кишига.

— Ўтган хўжалик йилида дурустгина соф-фойда қурдик. Аммо ҳисоб рақамимизга ке-либ тушаётган пул оқимиди оқсоқликлар кўп. Сотилган товарларимизнинг пули вақтида тушмайди. Пул тушушда аҳвол шундай бўл-са биз яқин йилларда қишлоқларимизни та-биий газ билан таъминлай олаемиз. Бу ҳа-қиқатни тан олмақ керак, — дейди ширкат-лар уюшмаси бошқаруви раиси Ашур Ҳасанов.

Биз баҳоналарга эрк бериб, бир-биримиз-ни қойишга одатланиб қолганмиз. Хўш, бу-нақада қишлоқ одамларининг турмушини ях-шилашда қачон жонланши бўларкин? Муам-молар ўз ечимини қачон топади? Қайси ма-ҳаллий раҳбар бу хайрли ишларга бош-қош бўлиб, ёниб-қуйиб ишлайди?

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

сайловларга қўшилиб кетди. У парламент сайловларида ма-в-жуд 226 овоздан 170 тасини қўлга киритди. Ҳозир Украина парламенти ўз вақтини фақат сайловлар ўтказишга сарфла-моқда, қонунлар чиқаришга унинг вақти йўқ. Чунки украин парламенти ҳамон раис то-пилмаган.

♦ Фаластин Мухторияти Вазирилар Маҳкамаси ис-теъфога чиқди. Президент



Прага шаҳрининг хушманзара жойи.

Ўртасида қуролли тўқна-шувлар содир бўлмоқда. Яманда яшовчи турли қа-билалар вакиллари мам-лакатда нарх-навоининг ошиб кетганига қарши на-мойиш уюштирилган. Ҳукумат эса уларга қар-ши қуролланган полиция-чиларни сафарбар этган. Бугунги кунга қадар тўқ-нашувлар оқибатида Маг-риб шаҳрининг ўзида 50 дан зиёд киши ҳалок га-ган.

